



“... Англагайсан ўзумни”



Хазрат Навоийни таърифласак... ул зоти шарифнинг даҳолик кўламини, миллат тақдиридаги ахамиятини тарозига солиб ўлчагандек, ҳисоб-китобини чиқаришга урингандек бўлиб қоламиз. Бунинг эса имкони йўқ. Шарт ҳам эмас. Навоий беназир, Навоий бекиёс.

Юртимиз буюк шоир номи билан аталган вилоят бор, шаҳару кентлар, театру саройлар, илмий ва таҳсил даргоҳлари беҳисоб. Чет элларда ҳам азамат хайкаллари қад ростлаб турибди. Навоий-миллатимиз шарафи, маънавият кўкидаги безавол офтоб.

Лекин “авлиёларнинг авлиёси” аталмиш бул зотни асосан таваллуд саналарида навоийхонлик айёмларида эслаймиз-а, тўғрими? Ўша кунлар юртнинг тўрт тарафида илмий-адабий анжуманлар, расмий-норасмий тадбирлар ўтказилади, биз катталар ҳам ҳадеганда магзини чақолмайдиган сатрларини бийрон кизалоклару болақайлар радио-телевизор орқали ёд ўқиб беради.

Бари қутлуг, бари таҳсинбоп. Аммо бу янглиг тадбир-тадориклар Навоий даҳосига яқинлаштириши масаласига келганда ўйланиб қоласиз: аксинча бўлмаётимдими? Чунки байрам сахналарини тўлдирганларнинг аксарияти Навоийга бегона, илмий –иждодий бисоти моҳиятидан беҳабар тасодифий “ижрочи”ларга ўхшайди. Улуг аждодимизни эсламок, хотирасини эъзозламок, шарафламок- савоб, қори хайр, албатта. Бирок умрини ул зот келажак авлодлар унинг таваллуд айёмини яққаш байрамона руҳда ўтказишини орзу қилмагандир!..

Хўш, Навоийни чинакамига биламизми? Англаймизми? Англадикми?

Англаганимизда бошқача бўларди: юрт ҳам, эл ҳам. Ўзимиз, хар биримиз. Радиога кулок тутинг, магрур жар солаётир: “Башарият тарихида Навоийдек дахо камдан кам!”. Тўгри, лекин инсоният хазратни муносиб макомда танидими, тан олдимми? Кўп йиллар бурун Гуржистонда меҳмон бўлиб, бир райком саркотибининг кирк дакика тик турган холда Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон” достонидан ёд ўкиганини кўрганман. Котибу саркотибларнику кўя турайлик, ўзим- адабиётнинг устидан нон еб юрган одам, Навоийдан шунча нарса биламанми? Сиз-чи? Умуман миллатимиз фахри бўлмиш буюк мутафаккирни инсониятга танитмок борасида сизу биз- бугунги авлод килаётган ишлар кўнгил тўлгуликми? Жахонга бўй кўрсатиш иштиёкида сарфлаанётган маблағлардан Навоийга аталгани канча? Навоий деб юрганларимиз кўпб аммо чинакам навоийшунослар кани? Чет тилларда сайрайдиган бугуни ёшларимиз бобокалонларини жахонга танитишда нима каромат кўрсатяпти? Тирикликнинг хазрат Навоий “панжа урмаган” муаммоси топилмас, лекин шу ўринда “икки йўлчи”дан “Максуд Шайхзода таърифи” бири- Захириддин Мухаммад Бобурнинг хали-хамон чала ўкилган мисралари ёдга тушади:  
Хар вақтке кўргасен менинг сўзумни,  
Сўзимни ўкуб англагайсен ўзумни...

Эркин АЪЗАМ